

# Key and Derivative Indicators for Assessing the Quality of Lesson in Physics

**Imanov Bakhtiyor Berdievich,**

Deputy Director for Academic Affairs of the Pedagogical Institute of Termez State University,  
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor

**Annotation.** The article discusses the indicators that assess the quality of physics lessons. Also, the necessary rules, guidelines and recommendations for the presentation of the subject of physics have been developed.

**Keywords:** lesson, purpose, competence, scientific, form, means, didactic materials, attention, thought, control, program, independent.

Маълумки, дарс таълим-тарбия жараёнининг кўплаб компетенцияларини ўз ичига олган тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра профессор-ўқитувчилардан дарс жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш масаласига эътиборсизлик билан қарамасдан, унга илмий, методик, дидактик жиҳатлардан яхши тайёргарлик кўриш талаб этилади. Буни учун ҳар бир проф-ўқитувчи дарснинг сифатини белгиловчи асосий ва ҳосилавий индикаторларни билишлари ҳамда амалда ўларни қўллаш олишлари муҳим аҳамиятга эга.

Физикадан ўтилган мавзуга доир дарс сифатини баҳолайдиган асосий индикаторларга қуйидагиларни киритамиз:

- а) талабанинг физикадан билим олишга бўлган қизиқиш ва интилишлари;
- б) физик катталиклар, жадваллар, жараёнларга доир график, схема, лаборатория тавсифномалари, асбоб - ускуналари билан ишлашдаги компетенцияси;
- в) ўқитувчининг физикадан ўқув дастуридаги материалларни илмий-методик жиҳатдан билиш даражаси;
- г) мавзуни тушунтиришда талабаларга бериладиган асосий фикрларни ажратиш олиш қобилияти, кетма-кетлик, изчиллик, илмийлик, узлуксизлик, узвийлик, кўرғазмалик, назария ва амалиёт уйғунлиги тамойилларига риоя қилиш қобилияти;
- д) дарс мавзуси мақсадини ифодалашда режага мувофиқлик ва изчиллигига эътибор бериши;
- е) Олий таълим муассасаларида талабаларнинг кредит-модуль тизими буйича ўқув ютуқларини назорат қилиш тартиби тугрисидаги Низом талабларига кўра баҳолаш турларини амалга ошириши;
- ж) дарс мобайнида вақт тақсимотига амал қилиш ва муомула-нутқ маданиятига эга бўлиш жиҳатлари.

Агар физика ўқитувчиси дарсга тайёргарлик кўришда дарснинг сифатини баҳолайдиган асосий индикаторларга тизимли равишда амал қилса, ўқитиш сифати ва самарадорлигининг ошишига, талабаларнинг физика фанига оид билимларни олишга бўлган қизиқишларини янада оширишга эришиш мумкин. Аксинча, ўқитувчи томонидан дарс сифатининг ошишига тўсиқ ҳосил қилинади, дарс зерикарли бўлади, талабаларнинг вақти эса самарасиз ўтади. Талабалар тафаккурида фан ўқитувчисига нисбатан салбий таъсуротлар шаклланади, обрўй –эътиборини йўқотади. Энг ачинарли томони фанга нисбатан талабаларда қизиқиш, уни ўзлаштиришга нисбатан интилиш батамон сўниб боради.

Айрим адабиётларда дарс - талабаларга ўргатилаётган материал асосида билим, кўникма, малака ва компетенциялар, дунёқараш ва маънавий-ахлоқий эстетик ғояларни ўзлаштириш мақсадидаги ўқитиш шакли деб таърифланса, бошқаларида эса дарс – вақт ва ташкил этиш нуқтаи назаридан таълим жараёнининг тугалланган бир қисми деб таърифланади.

Физикадан ўқув режа ва дастуридаги белгиланган талабаларнинг бажарилиши, талабаларнинг янги билимларни эгалашлари, илмий дунёқарашининг ривожланиши фақатгина дарс жараёнида амалга оширилади.

Физикадан дарс режаси - ўқув машғулотининг қисқача тавсифномаси бўлиб, унда дарс мавзуси, мақсади, вазибалари, унинг бориши ҳамда талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш шакллари ўз аксини топган бўлади.

Дарсни режалаштириш тушунчасини педагогика фанига биринчи бўлиб немис олими Ф. Херборт киритган.

Физикадан дарс режаси тушунчаси билан бўлажак ҳар бир физика ўқитувчиси олий таълим муассасасида биринчи марта “Умумий педагогика” ва “Физикани ўқитиш методикаси” каби фанларни ўқиш давомида танишадилар.

Физикадан дарс режасининг қуйидаги таркибий тузилишини кўрсатишимиз мумкин:

- дарс мавзусининг ифодаланиши;
- дарс мақсадива вазибалари;
- ўқитиш воситалари;
- дарснинг бориши;
- мустақил топшириқлар;
- адабиётлар тавсия этиш.

Дарс мавзуси. Дарс мавзуси фаннинг ишчи ўқув дастурига мос келиши керак. Дарс бошланишдан олдин ўқитувчи томонидан доскага мавзу номи ёзилади ёки дарснинг тақдимотида кўрсатилади.

Физикадан дарс:

- таълимий;
- тарбиявий;
- ривожлантирувчи функцияларни бажаради.

Физикадан дарснинг таълимий функциясида ўқитувчи томонидан талабаларга физик жараёнлар, катталиклар ва қонунлар тўғрисидаги тушунчалар ва билимлар берилиши, кўникма ва малакаларни шакллантирилиши лойихаланади.

Физикадан дарснинг тарбиявий функциясида – ўқитувчи томонидан талабалар онгига физикадан ўрганилаётган ўқув материалининг тарбиявий компонентларини сингдиришдаги аҳамияти лойихаланади.

Физикадан дарснинг ривожлантирувчи функциясида - талабаларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга қаратилганлиги бунда ўқитувчи талабаларнинг физик ҳодиса, жараёнларни таҳлилий фикрлаш ва таққослашдаги креативликлари эътиборга олишлиги ҳисобга олинади.

Физика ўқитувчиси дарс мавзусини ўтишга тайёргарликсиз кирганида таълимий функциянинг қуйидаги аргументлари бажарилмайди:

- дарс мавзусининг мақсади талабалар онгига тўлиқ етказилмайди;
- интерфаол методлардан самарасиз фойдаланади;
- дарсда талабаларнинг фаол иштироки ва мустақил ишлашини таъминлай олмайди;
- нутқи равон, тушунарли, таъсирчан бўлмайди;
- мавзуни амалиёт билан боғлаб тушунтира олмайди;
- қўшимча адабиётлардан фойдаланишни тавсия эта олмайди;
- дарсни мустаҳкамлаш ва талабалар билимини баҳолаш учун бериладиган саволлар муаммоли тарзда тузилмайди;
- дарс самарадорлиги бўлмайди.

**Физикадан дарс мақсадни ифодалашда** - мавзунинг ўзига хос хусусиятларига, талабаларнинг фанни ўзлаштиришидаги креативлик даражаларига, мавзулар орасида айнан шу мавзунинг ўрнига, мақсадни мавзуга мос ифодалашга, талабалар онгига белгиланган мақсадни етказишга эътибор бериши муҳим.

**Физикадан дарс режасини тузишда** - дарс режаси белгиланган мақсадга мос тузилиши, режаларнинг мантиқий кетма-кетлик ва изчилликда ҳамда бир-бири билан боғлиқ бўлиши, режа бандлари учун вақтнинг тўғри тақсимланиши, ўқитиш шаклларида четга чиқмаслиги керак.

**Физикадан дарс мазмунини ёритишда** - дарс мазмуни Давлат таълим стандарти ва Малака талабларига мос келишини, мавзу материалларининг ишончли, тўлиқ, тушунарли бўлишини, баён қилинаётган материалнинг илмийлиги ва тарбиявий йўналиши ҳаёт ва касбга йўналтирилган

бўлишини, талабалар томонидан янги билимларни эгаллашдаги қийинчиликларни бартараф этишда янги тушунчаларни шакллантириш лойиҳаланган бўлиши муҳимлигини режалаштирган бўлиши зарур.

**Физикадан дарс ўтиш методикасида** - талабаларнинг мавзу материалларини ўзлаштириб олиш даражалари, ўқитувчи қўллаган методларга бевосита боғлиқ. Маълумки, олий таълим муассасаларида физикадан дарслар маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, семинар машғулотлари шаклларида олиб борилади. Дарсда ўқитувчининг сўзлашиш маданияти юқори даражада бўлиши; кўргазмали қуроллардан, айниқса, ахборот технологиялари воситаларидан ўринли ва самарали фойдалана олиши, диаграмма ёки жадваллар лаборатория асбоб-ускуналари билан юқори даражада ишлаш кўникма ва малака ва компетенцияга эгаллиги муҳим аҳамиятга эга.

Дарсда қўлланилган методиканинг самарадорлиги, талабаларнинг мавзу материалларини ўзлаштириб олганликларини кўрсатувчи назорат натижалари билан аниқланади.

Бунда ўқитувчи: ўқитишнинг метод, восита ва усулларини ўринли танлаши; дарс мақсадини тўғри ифодалаш; дарснинг ҳар бир босқичида методик ёндошишларни тўғри қўллаши; қўлланилаётган метод ва усулларнинг хилма-хиллиги; замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, кўргазмали қуроллар, тарқатма ва дидактик материаллардан самарали фойдаланиши; талабаларнинг билим, кўникма, ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда Низом талабларида кўрсатилган мезонларга амал қилиши муҳим.

**Физика ўқитувчисининг талабалар билан мулоқотида** – талабаларнинг дарсдаги тартиб-интизоми ва ўқув фаолиятига амал қилган бўлиш муҳимлигига; ўқув аудиториясининг умумий тайёргарлигини кўздан кечириши; талабаларнинг диққати ва фаоллигини, фанга бўлган қизиқишларини, доимий назоратга олган бўлиши; педагогик этикаси юқори бўлиши, нутқи равлон, тушунарли тилда баён қилиниши, ўқув аудиториясида психологик муҳитни яхши ташкил эта олиши; уни сақлаши дарс мавзусига тааллуқли бўлган фикрларнигина баён қилиши керак.

**Талабалар билимини баҳолашда** – Физика ўқитувчиси талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малака компетенцияларнинг сифатига; мустаҳкам ва чуқур билим олганлигига; назорат турларининг рейтинг мезонларига мос, адолатли-ҳаққоний баҳоланганлиги ва расмийлаштирилишига амал қилиши зарур.

**Мавзунинг илмийлигида** – а) ўз фанини илмий-методик жихатдан чуқур билиши; б) мавзунини тушунтиришда фанга доир долзарб муаммолардан мисоллар келтириши; в) физикага оид қонун қоида ва таърифларни илмий томондан тўғри баён этишга ҳамда физикавий илмий атамаларнинг моҳиятини талабалар онгига сингдириб бора олишга; г) дарс мавзусининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга; д) дарсликдаги мавзуга оид материалларнинг қўшимча адабиётлар билан бойитишга; е) талаба бажараётган лаборатория, амалий ҳамда мустақил ишларнинг илмий йўналиш бўйича мақсадга мувофиқлигига; ж) дарс мавзусини баён этишда таълим-тарбияни ўзаро узвий бир-бирига боғлашга эътибор бериши лозим.

#### **Дарс дидактикасида:**

- а) Дарс мазмунини тушунарли баён қилиниши ва талабалар онгига изчил равишда етиб боришига;
- б) Баён қилинаётган фикрларнинг тарбия принципларига мос бўлишига;
- в) Дарс ривожлантирувчи ва муаммоли таълимдан иборат бўлишига;
- г) Дарс жараёнида мавзунини баён қилишда кўргазмали қуроллардан; тарқатма, дидактик материаллардан ва АКТдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ бўлишлигига;
- д) Физикадан тажриба, лаборатория ишларнинг, амалий топшириқларининг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ўтиш зарурлигига;
- е) Физикадан дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлашга тўғри йўналтирилиши;
- ж) Лаборатория-амалий ишлар ва масалалар назария ва амалиёт билан уйғунликда бўлишига;
- з) Дарснинг аниқ бир тизимда олиб борилишига эътибор бериши сифат кўрсаткичининг кўтарилишига олиб келади.

Умуман олганда хулоса ўрнида шуларни айтиш ўринлики, физикадан ўқитиш сифатини ошириш учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган қоидалар, кўрсатмалар, тавсияларга мувофиқ дарсга тайёргарлик кўрилганда: биринчидан ўқитувчига кейинги дарсларини янада сифатлироқ ўтиши учун

---

методик томондан ёрдам берилса иккинчидан ўқитувчининг касбига нисбатан маъсулият ва жавобгарлик ҳис-туйғуси шакллантирилар экан.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида” ги 05.06.2018 йилдаги ПҚ-3775 сонли қарори.
3. Маҳмудов Ю.Ғ Дарс сифатига қўйиладиган дидактик талаблар. Услубий қўлланма. – Термиз: ТерДУ, 2020. – 32 бет.
4. Imanov B.B. Competencts The Quality Of Education And Their Organization. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) Vol 10, Issue 5, May 2021.
5. Иманов Б.Б. Урок Как Фактор Повышения Качества Образования
6. SCIENCE AND WORLD International scientific journal. №7 (83), 2020.